ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ

**ҚАРОРИ**

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ**

ПРЕЗИДЕНТА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил "13" ноябрь №ПҚ–4521 "____" ______________ 20 г.

## Жаҳон банки иштирокида "Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш" лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

Макроиқтисодий барқарорликни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларининг ижросини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Давлат дастурларида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2019 йил 19 июлда Жаҳон банки иштирокида "Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш" лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиҳа) амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (кейинги ўринларда – ХТТБ) ўртасида бюджетни қўллаб-қувватлаш учун 5 йиллик имтиёзли даврни ҳисобга олган ҳолда, сўндириш муддати 30 йил бўлган 500,0 миллион АҚШ доллари миқдоридаги Қарз битими имзоланганлиги;

ХТТБ томонидан ажратиладиган қарз Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жаҳон банки иштирокида "Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш" лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратиладиган қарзни сўндириш ҳамда қарз бўйича фоизлар ва комиссияларни тўлашнинг прогноз жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги лойиҳанинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш, ХТТБ томонидан ажратиладиган қарздан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан масъул ижро этувчи орган ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат статистика қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги лойиҳани амалга ошириш агентлари ҳисобланади;

ХТТБ томонидан ажратиладиган қарзни сўндириш, шунингдек қарз бўйича фоизлар, комиссиялар ва бошқа тўловлар билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

**Ш. Мирзиёев**

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил “13” ноябрдаги ПҚ–4521-сон қарорига
илова

**Жаҳон банки иштирокида “Ўзбекистонда бозор ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш” лойиҳасини амалга ошириш доирасида Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки томонидан ажратиладиган қарзни сўндириш ҳамда қарз бўйича фоизлар ва комиссияларни тўлашнинг**

## ПРОГНОЗ ЖАДВАЛИ

| | |
|---|---|
| *Қарз суммаси* | *500 миллион АҚШ доллари* |
| *Қарз муддати* | *30 йил* |
| *Имтиёзли давр* | *5 йил* |
| *Фоиз ставкаси* | *6 ойлик LIBOR+1,3%* |
| *Мажбуриятлар учун комиссия* | *0,25%* |
| *Бошланғич бир марталик тўлов* | *0,25%* |

| Тўлов даври | Қарз суммаси | Тўлов суммаси: | | | | Тўланиши лозим бўлган умумий сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | асосий қарз | фоизлар* | бир марталик тўлов** | мажбуриятлар учун комиссия | |
| **15.11.2019** | 1 250 000 | | 4 128 | 1 250 000 | 204 610 | 208 738 |
| **20.12.2019** | 500 000 000 | | 4 983 | | 121 224 | 126 207 |
| **15.05.2020** | 500 000 000 | | 8 370 833 | | | 8 370 833 |
| **15.11.2020** | 500 000 000 | | 10 477 778 | | | 10 477 778 |
| **15.05.2021** | 500 000 000 | | 10 306 944 | | | 10 306 944 |
| **15.11.2021** | 500 000 000 | | 10 477 778 | | | 10 477 778 |
| **15.05.2022** | 500 000 000 | | 10 306 944 | | | 10 306 944 |
| **15.11.2022** | 500 000 000 | | 10 477 778 | | | 10 477 778 |
| **15.05.2023** | 500 000 000 | | 10 306 944 | | | 10 306 944 |
| **15.11.2023** | 500 000 000 | | 10 477 778 | | | 10 477 778 |
| **15.05.2024** | 500 000 000 | | 10 363 889 | | | 10 363 889 |
| **15.11.2024** | 490 000 000 | 10 000 000 | 10 477 778 | | | 20 477 778 |
| **15.05.2025** | 480 000 000 | 10 000 000 | 10 100 806 | | | 20 100 806 |
| **15.11.2025** | 470 000 000 | 10 000 000 | 10 058 667 | | | 20 058 667 |
| **15.05.2026** | 460 000 000 | 10 000 000 | 9 688 528 | | | 19 688 528 |
| **15.11.2026** | 450 000 000 | 10 000 000 | 9 639 556 | | | 19 639 556 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **15.05.2027** | 440 000 000 | 10 000 000 | 9 276 250 | | | 19 276 250 |
| **15.11.2027** | 430 000 000 | 10 000 000 | 9 220 444 | | | 19 220 444 |
| **15.05.2028** | 420 000 000 | 10 000 000 | 8 912 944 | | | 18 912 944 |
| **15.11.2028** | 410 000 000 | 10 000 000 | 8 801 333 | | | 18 801 333 |
| **15.05.2029** | 400 000 000 | 10 000 000 | 8 451 694 | | | 18 451 694 |
| **15.11.2029** | 390 000 000 | 10 000 000 | 8 382 222 | | | 18 382 222 |
| **15.05.2030** | 380 000 000 | 10 000 000 | 8 039 417 | | | 18 039 417 |
| **15.11.2030** | 370 000 000 | 10 000 000 | 7 963 111 | | | 17 963 111 |
| **15.05.2031** | 360 000 000 | 10 000 000 | 7 627 139 | | | 17 627 139 |
| **15.11.2031** | 350 000 000 | 10 000 000 | 7 544 000 | | | 17 544 000 |
| **15.05.2032** | 340 000 000 | 10 000 000 | 7 254 722 | | | 17 254 722 |
| **15.11.2032** | 330 000 000 | 10 000 000 | 7 124 889 | | | 17 124 889 |
| **15.05.2033** | 320 000 000 | 10 000 000 | 6 802 583 | | | 16 802 583 |
| **15.11.2033** | 310 000 000 | 10 000 000 | 6 705 778 | | | 16 705 778 |
| **15.05.2034** | 300 000 000 | 10 000 000 | 6 390 306 | | | 16 390 306 |
| **15.11.2034** | 290 000 000 | 10 000 000 | 6 286 667 | | | 16 286 667 |
| **15.05.2035** | 280 000 000 | 10 000 000 | 5 978 028 | | | 15 978 028 |
| **15.11.2035** | 270 000 000 | 10 000 000 | 5 867 556 | | | 15 867 556 |
| **15.05.2036** | 260 000 000 | 10 000 000 | 5 596 500 | | | 15 596 500 |
| **15.11.2036** | 250 000 000 | 10 000 000 | 5 448 444 | | | 15 448 444 |
| **15.05.2037** | 240 000 000 | 10 000 000 | 5 153 472 | | | 15 153 472 |
| **15.11.2037** | 230 000 000 | 10 000 000 | 5 029 333 | | | 15 029 333 |
| **15.05.2038** | 220 000 000 | 10 000 000 | 4 741 194 | | | 14 741 194 |
| **15.11.2038** | 210 000 000 | 10 000 000 | 4 610 222 | | | 14 610 222 |
| **15.05.2039** | 200 000 000 | 10 000 000 | 4 328 917 | | | 14 328 917 |
| **15.11.2039** | 190 000 000 | 10 000 000 | 4 191 111 | | | 14 191 111 |
| **15.05.2040** | 180 000 000 | 10 000 000 | 3 938 278 | | | 13 938 278 |
| **15.11.2040** | 170 000 000 | 10 000 000 | 3 772 000 | | | 13 772 000 |
| **15.05.2041** | 160 000 000 | 10 000 000 | 3 504 361 | | | 13 504 361 |
| **15.11.2041** | 150 000 000 | 10 000 000 | 3 352 889 | | | 13 352 889 |
| **15.05.2042** | 140 000 000 | 10 000 000 | 3 092 083 | | | 13 092 083 |
| **15.11.2042** | 130 000 000 | 10 000 000 | 2 933 778 | | | 12 933 778 |
| **15.05.2043** | 120 000 000 | 10 000 000 | 2 679 806 | | | 12 679 806 |
| **15.11.2043** | 110 000 000 | 10 000 000 | 2 514 667 | | | 12 514 667 |
| **15.05.2044** | 100 000 000 | 10 000 000 | 2 280 056 | | | 12 280 056 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **15.11.2044** | 90 000 000 | 10 000 000 | 2 095 556 | | | 12 095 556 |
| **15.05.2045** | 80 000 000 | 10 000 000 | 1 855 250 | | | 11 855 250 |
| **15.11.2045** | 70 000 000 | 10 000 000 | 1 676 444 | | | 11 676 444 |
| **15.05.2046** | 60 000 000 | 10 000 000 | 1 442 972 | | | 11 442 972 |
| **15.11.2046** | 50 000 000 | 10 000 000 | 1 257 333 | | | 11 257 333 |
| **15.05.2047** | 40 000 000 | 10 000 000 | 1 030 694 | | | 11 030 694 |
| **15.11.2047** | 30 000 000 | 10 000 000 | 838 222 | | | 10 838 222 |
| **15.05.2048** | 20 000 000 | 10 000 000 | 621 833 | | | 10 621 833 |
| **15.11.2048** | 10 000 000 | 10 000 000 | 419 111 | | | 10 419 111 |
| **15.05.2049** | 0 | 10 000 000 | 206 139 | | | 10 206 139 |
| **Жами** | | **500 000 000** | **356 780 860** | **1 250 000** | **325 834** | **857 106 694** |

*) *Қарз бўйича фоизларни ҳисоблаб чиқишда LIBORнинг ўртача қиймати Bloomberg маълумотларига асосан олинган бўлиб, бунда келгуси 30 йилда LIBORнинг энг юқори кўрсаткичи 2035 йилда 2,3 фоизни, охирги бир йил оралиғида эса 2,8 фоизни ташкил этишини эътиборга олиб, LIBORнинг ставкаси 2,8 фоиз деб олинди. Қатъий белгиланган 1,3 фоиз ҳамда мазкур қарз бўйича тўланиши лозим бўлган фоизларни ҳисобга олиб, қарз бўйича йиллик фоиз ставкаси 4,1 фоизга тенг деб ҳисобланди.*

**) *Бир марталик тўлов қарз ҳисобидан тўланади.*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1